O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 27-YANVAR ■ SESHANBA ■ 11 (27.186) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ПЕКИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

**Пекинда бир гуруҳ етакчи хитойлик олимлар ёзган ва ХХР Ижтимоий Фанлар академияси томонидан нашр қилинган «Ўзбекистон» номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти муаллифлар гуруҳи томонидан хитой тилида тайёрланган мазкур нашр биринчи марта тўлалигича МДҲнинг алоҳида давлатига бағишланган. Китобда ўзбек халқининг тарихи ва маданияти, мамлакатимиз табиий хомашё ресурслари, мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рўй берган оламшумул ўзгаришлар, давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари ҳақида бой маълумотлар жамланган.

Тақдимот маросимида Хитой расмий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари намояндалари, дипломатик корпус вакиллари ҳузурида ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Хуэй сўзга чиқди. У Хитой раҳбарияти ўз минтақасида марказий ўринни эгаллаб турган Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон ҳақида китобнинг нашр қилингани ҳар икки давлат сиёсий, илмий, маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Хитойда Ўзбекистонга нисбатан ошиб бораётган қизиқишдан далолат бериб турибди ва икки томонлама алоқалар тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

ХХР Ижтимоий Фанлар академияси бош котиби Чжу Цзиньчань ўз сўзида ўзбек модели тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда бетакрор намуна бўлганлигига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, янги китоб хитойлик китобхонларни Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан етарлича хабардор қилади ҳамда мамлакатимизни янада чуқурроқ ўрганишни давом эттиришда яхши асос бўлади.

Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти директори Син Гуанчэн ҳамкасби фикрини қўллаб-қувватлади. У мамлакатимиз ўзининг бой тарихига монанд тарзда сўнгги ўн икки йил давомида улкан муваффақиятларга эришганини айтар экан, «Ўзбекистонни ўрганиш ва англаш учун битта китоб етмайди», деди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**«Жаҳон» АА**





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.**

Кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ҳамма жойда ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда, эркин ва демократик вазиятда, амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилган ҳолда, фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллиги остида ўтди. Сайлов кампаниясида 12 миллиондан ортиқ фуқаро, яъни мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг қарийб 97 фоизи иштирок этди.

Фуқаролар йиғинларининг жами 8360 нафар раиси (оқсоқоли) ҳамда уларнинг 80 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланди. Йиғин раисларининг (оқсоқолларининг) 75,7 фоизи ҳамда улар маслаҳатчиларининг 51,7 фоизи олий маълумотли бўлиб, улар асосан ўқитувчилар, муҳандислар, агрономлар ва иқтисодчилардир.

(Давоми 2-бетда.)

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги машғулотида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва инвестицияни жалб этиш мавзуида маъруза қилди.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва салмоғини ошириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ташқи иқтисодий савдо алоқаларини кенгайтиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Янги ташкилий-хўжалик тизими тузилиши рағбатлантирилаётгани туфайли агросаноат корхона ва бирлашмаларининг мустақил ҳолда жаҳон бозорига чиқиши учун кенг йўл очилмоқда. Зеро, етиштирилаётган ноз-неъматлар ўзининг сархиллиги ва табиий таркиби билан хориж бозорида бемалол рақобатлаша олади.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган соҳа раҳбарларининг бу галги ўқув семинари машғулотлари мавзуларининг кенг қамровлилиги, ранг-баранглиги, йирик олим ва мутахассисларнинг жалб этилгани билан бизда катта қизиқиш уйғотди, — деди Асака тумани ҳокими Т.Ёқубов ЎзА мухбирига. — Бу ерда олган билим ва тажрибамизни жойларга борганимизда амалиётга жорий этамиз.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаев, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси А.Аюпов, «Ўзбек ипаги» уюшмаси раиси Ш.Умаров ва бошқаларнинг ҳам маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

## ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ



Республика Вазирлар Маҳкамаси қарори билан туман ҳокимликларида ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари иши сўнгги кезларда анча жонланиб кетди. Биргина Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида ўтган йили 114 юридик шахс, 17 фермер хўжалиги ва 621 якка тартибда меҳнат фаолияти олиб борувчи тадбиркор рўйхатдан ўтказилди.

— Инспекциямиз янги иш бошлаётган тадбиркорларга 2-3 кундаёқ барча ҳужжат, муҳр ва ҳисоб рақамларига эга бўлишида яқиндан кўмаклашмоқда, — дейди туман ҳокимлиги ҳузуридаги мазкур инспекция бошлиғи Холмурод Ризаев. — Бу эса тадбиркорларимиз фаолиятларини тезроқ бошлаб юборишларига имкон яратмоқда. Туманимизнинг Пайшанба қўрғонида ана шу имкониятдан унумли фойдаланган тадбиркор Муҳаммадмурод Назаровга тегишли силавий корхона таркибидаги дорихона ва Интернет маркази эндиликда туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда.

**Суратларда:** тадбиркор очган Интернет марказида машғулот; дорихона фармацевти Гулноза Назарова; тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш туман инспекциясининг фаол ходимлари Фарҳод Мирзаев, Холмурод Ризаев.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ХДП хабарлари

## ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

**2004 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.**

Унда партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан ЎзХДП ташкилотларининг долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада ҳамда партия фаоллари — «Меҳр-шафқат» жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Л.Асқарова, Урганч қурилиш коллежи директори, Олий Мажлис депутати И.Бойжонов, «Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Р.Қутлимуродов, меҳнат фахрийлари Р.Тоиров, С.Жабберганов, «Маҳалла» жамғармаси Урганч шаҳар бўлими раиси Қ.Раҳмоновларнинг чиқишларида партиянинг келажаги, жамиятдаги ўрни бўлғуси сайловларда қандай натижаларга эришишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиши таъкидланди. Нотиқлар депутатлик ўринларини эгаллашимиз учун дадил ва моҳирона курашишимиз зарурлиги, бунинг учун партиянинг барча ташкилотлари, фаолларининг ташкилотчилик ва ташвиқотчилик имкониятларидан унумли фойдаланиш лозимлиги, «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасидаги тадбирларда фаол иштирокимизни таъминлаш масалалари ҳақида гапирдилар. Самимийлик руҳида ўтган йиғилиш иштирокчилари мазкур пленум вилоят партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтиришга янги туртки бўлишини, партиянинг барча аъзоларига жорий йилдаги масъулиятли вазифаларни бажаришларида юксак фаоллик бағишлашини эътироф этдилар.

Пленумда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

## Хабарингиз борми?

## БОЖХОНАДА ЯНГИ ТАРИФЛАР

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, мамлакат ҳудудига ташқи инвестицияни кўпроқ жалб этиш ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни ташқаридан келтирилаётган товарлар экспанциясидан ҳимоялаш мақсадида шу йил 7 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Бож, тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра амалиётда фойдаланилаётган 10613 турдаги товар моддий бойликларга нисбатан қўлланилаётган бож тарифлари ставкалари қайта кўриб чиқилиб, улардан 2442 тасига нисбатан тариф ставкалари камайтирилди, 1758 тасига нисбатан оширилди ва 6408 таси ўзгартирилмай қолдирилди.

Дастлабки таҳлилларга кўра, ушбу ўзгаришлар натижасида республикамизга олиб келинаётган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва бир қатор халқ истеъмол молларига нисбатан бож ставкалари сезиларли даражада қисқарганлиги уларнинг импорти учун бирмунча қулайликлар яратган ва ичкарига маҳсулот олиб келиш кўпайган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ўтказилган очиқ мулоқот шу масалаларга бағишланди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур йиғилишда тадбиркорлар, брокерлар, декларантлар ва бошқа ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Анвар САМАДОВ**

## АҚШДАН МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Уммон ортидан Бухоройи Шарифга 10 тонна витаминлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари келди. Уни «Сити хоул интернейшнл» халқаро ташкилоти юборган бўлиб, умумий қиймати 18 минг долларни ташкил этади. Бу маҳсулотлар Бухоро ва Қоракўл шаҳарларидаги мурувват уйлари, вилоят сил касалликлари диспансери ҳамда Ғиждувондаги 32-меҳрибонлик уйи жамоаларига тақсимланди.

— Биз бу кўмагимиз билан мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашни ният қилганмиз, — дейди «Сити хоул интернейшнл» ташкилоти вакили Эндрю Роуз. — Бу, айниқса, мамлакатингизда эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилига ҳамоҳанглигидан хурсандмиз.

**Даврон БАҲРОНОВ**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ ЯК-40 САМОЛЁТИ АВИАҲАЛОКАТИ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Як-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси Давлат учиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси экспертлари, Ўзбекистон Республикаси тергов ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда 2004 йил 13 январда рўй берган авиаҳалокат тафсилотларини атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳалокат сабабларини ўрганиш ишларида Ҳукумат комиссияси аъзолари билан бирга А.Яковлев номидаги Тажриба конструкторлик бюроси ҳамда МДҲ Давлатлараро авиация қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Олиб борилган текширув жараёнида объектив назорат воситалари («қора қути») кўрсатмалари, бортдаги ҳамда ердаги навигация воситаларининг техник ҳолатини батафсил ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Самолёт бўлаклари синчиклаб текширилди, экипаж ҳамда ҳаво кемасининг парвоз олдидан тайёргарлиги, самолёт парвоз қилган шароит ва унинг қўниши тафсилотига гувоҳ бўлган кўплаб кишилардан зарур маълумотлар олинди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Термиз — Тошкент йўналиши бўйича HV-1154 рейсни амалга ошираётган Як-40 самолётининг 37 кишининг ҳалок бўлишига олиб келган авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган текшириш якунларига биноан Ҳукумат комиссияси қуйидаги хулосаларга келди.

Самолётнинг техник ҳолати ва экипаж аъзоларининг малакаси бу русумдаги ҳаво кемалари эксплуатацияси учун белгиланган талабларга жавоб берган.

Самолётнинг ўзиёзар ускунасидаги («қора қути») ёзувлар таҳлиллари шуни кўрсатдики, парвоз жараёнида ҳамда қўниш вақтида двигателлар ва ҳаво кемасининг бошқа тизимларида носозлик бўлмаган, бортда ёнғин, биронбир шикастловчи воситаларнинг таъсири ёки террорчилик ҳаракати аломатлари қайд этилмаган.

Қўнишни таъминловчи радиотехник воситалар барқарор ишлаб турган ва соз ҳолатида бўлган.

Ҳаво кемаси парвози, унинг қўниши мураккаб метеорологик шароитларда кечган, Тошкент аэропорти ҳудудида кўриш имконияти қуюқ туман пайтида йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида бўлган.

Тергов эксперимент тарзида ўтказилган парвоз билан тасдиқланган текширув натижаларига кўра, авиаҳалокат экипажнинг қўниш чоғидаги нотўғри ҳаракатлари туфайли содир бўлганлиги аниқланди.

Экипаж томонидан қўнишга тайёрлаш қоидаларига хилоф равишда чекланган кўриш шароитида бошқариш ва ҳаво кемасини қўндириш учун мўлжалланган тизимнинг зарур иш тартиби қўлланилмаган. Бу ҳол борт ускуналарида самолётнинг белгиланган пасайиш траекториясига нисбатан ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғри акс этишига, ҳаво кемасининг рухсат этилган кўрсаткичдан юқори баландликда қўниш йўлагига яқинлашиши ва қўниш чоғида ушбу траекториядан чиқиб кетишига олиб келган.

Борт ускуналарининг ностандарт тартибда ишлаётганидан дарак берувчи аломатлар борлигига қарамасдан, экипаж бу ҳақда диспетчерга хабар қилмаган, самолётнинг қўниш тизимидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ хатоларни ўз вақтида аниқлай олмаган ва қўнишга қайтадан уриниш учун иккинчи марта айланиш бўйича чоралар кўрмаган.

Экипаж рухсат этилган энг қуйи баландликда қўниш йўлагининг ердаги белгиларини аниқламасдан ва ўзининг касб маҳоратига ортиқча баҳо бериб, пасайишни давом эттирган. Натижада, бундай вазиятда баландликка кўтарилиб, заҳира аэродромга кетишни талаб этувчи қоидаларни бузган.

Йўл қўйилган хатолар сабабли самолёт қўниш йўлагига белгиланган нормалардан ташқарида тегиб ўтган. Экипаж заҳира аэродромга кетиш учун баландликка кўтарилиш борасида кечикиб кўрган чораларга қарамай, самолёт аэропорт тўсиғига урилган. Бу ҳаво кемасининг ҳалокатга учраши ва ёнғин чиқишига олиб келган.

Экипаж аъзолари ва барча йўловчилар кўплаб жароҳат олиш натижасида ҳалок бўлган.

Ҳукумат комиссияси томонидан авиаҳалокат туфайли ҳалок бўлганларнинг жасадларини яқинларига етказиш ва дафн этиш ташкил қилинди. Марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига зарур моддий ҳамда молиявий ёрдам кўрсатилди.

Бош прокуратура авиаҳалокат бўйича жиноий иш қўзғади, тергов ишлари давом этмоқда.

Ҳукумат комиссияси томонидан Дававианазорат ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан биргаликда келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик бўйича тегишли ташкилий ҳамда техник чоралар мажмуи ишлаб чиқилди.

## ФАХРИЙЛАР ЙЎҚЛАНДИ

Шу куни Марказий Кенгаш биринчи котиби А.Рустамов, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси Ибодулла Бойжонов, ЎзХДП Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар кенгашлари етакчилари Баҳодир Бобожонов ва Отабой Абдуллаевлар Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийлари Салай Латипов, Алефтина Победимова, Талъат Енгулатов, Рустам Матёқубовлар хонадонларида бўлиб, уларга жорий йил мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинишининг мазмун-моҳияти, бу йўналишда амалга оширилиши мўлжалланаётган савобли ишлар тўғрисида гапириб, совға-саломлар улашдилар.

**ЎзХДП МК матбуот хизмати**

## КУТУБХОНАЧИЛАР СЕМИНАРИ

Яқинда Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Таълим сифати ва замонавий кутубхона фаолиятини ташкил қилишнинг долзарб масалалари»га бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов сўзга чиқиб, касбий мутахассисликдан ташқари, янги фанлар бўйича таълим беришда тажриба тўплаган олий ўқув юртларидаги ишлар тўғрисида гапирди. Масалан, Фарғона политехника институтида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитишда бир қанча ютуқлар қўлга киритилиб, электрон дарслик яратилган ва уни барча олий ўқув юртлари кутубхоналарида фойдаланиш мумкинлиги таъкидланди.

Бугунги кунда республикамиз олий таълим тизимида 2700 га яқин касбий мутахассислик фани бўйича ўқув адабиётлари тайёрланган. Дарсликларни катта маблағ ҳисобига чиқаришдан кўра уларнинг электрон шакли қулай ва арзон восита ҳисобланади.

Семинар ишида Ўзбекистон кутубхоначилари ассоциацияси раиси Абдусалом Умаров «Ахборотлар асрида кутубхоналарнинг ўрни» мавзуида маъруза қилди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 761,01 | 1 Польша злотийси | 265,39 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1798,78 | 1 СДР | 1476,71 |
| 1 Дания кронаси | 166,36 | 1000 Туркия лираси | 0,74 |
| 1 БАА дирҳами | 268,08 | 1 Швейцария франки | 792,57 |
| 1 АҚШ доллари | 984,61 | 1 ЕВРО | 1238,25 |
| 1 Миср фунти | 159,71 | 10 Жанубий Корея вони | 8,34 |
| 1 Исландия кронаси | 14,35 | 10 Япония иенаси | 92,77 |
| 1 Канада доллари | 750,29 | 1 Россия рубли | 34,49 |
| 1 Хитой юани | 118,96 | 1 Украина гривнаси | 184,69 |
| 1 Малайзия ринггити | 259,14 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Раисликка сайланганларнинг 49,1 фоизи 50 ёшга тўлмаган кишилардир, шу жумладаи 10 фоизининг ёши 40 га ҳам бормаган. Фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланганларнинг 8,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Оқсоқолларнинг ҳар тўрт нафаридан бири бу вазифага илк бор сайланган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар принципиаллик билан, очиқ ва ошкора кўрсатиб ўтилди, фаолиятни янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланаётгани айтилди, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик билдирилди.

Яхши ташкил этилган тайёргарлик ишлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов муваффақиятли ўтишига ёрдам берди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишлаб Олий Мажлисда республика семинар-кенгаши ўтказилди. Унда шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Олий Мажлис депутатлари иштирок этдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай семинарлар бўлиб ўтди. Алоҳида китобча шаклида нашр этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, республика семинар-кенгашининг материаллари барча ҳокимликлар ва фуқаролар йиғинларига юборилди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этдилар. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларининг моҳиятини, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида барча фуқароларнинг фаол иштирок этиши нақадар муҳимлигини тушунтириш юзасидан улар ўз сайлов округларида изчил иш олиб бордилар.

Кенгаш аъзолари мазкур масала муҳокамаси чоғида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайлов аҳолининг кенг қатламлари учун чинакам демократия мактаби бўлганлигини алоҳида таъкидладилар. Сайлов давлат ҳокимияти органлари вазифаларининг бир қисмини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасида мамлакатимиз раҳбарияти танлаган йўл тўғри эканлигини, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаштиришда, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлигини, «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга ошириш нақадар муҳим эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Олий Мажлис Кенгаши қарор қабул қилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов якунларини навбатдаги сессияларида муҳокама этишни, фуқаролар йиғинларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинларининг янги сайланган раислари (оқсоқоллари) билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларини ўрганиш, шунингдек, мазкур органларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича туркум машғулотлар ва ўқув семинарлари ўтказиш, бу тадбирларга олимлар, мутахассислар, тажрибали оқсоқолларни, молия, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини, жамоат бирлашмаларининг вакилларини жалб қилиш таклиф этилди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари шуни таъкидладиларки, мамлакатни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир зарур ишлар ўтган йили парламент томонидан изчил амалга оширилди. Олий Мажлис қабул қилган қонунлар ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган устуворликларига мувофиқ сиёсий, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада кучайтиришга қаратилди.

Парламент, унинг қўмиталари ва комиссиялари жамият ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушунтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказди. Кенгаш ҳисоботни маъқуллади ва уни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг 2004 йилга мўлжалланган режасини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар. Режада асосий эътибор аввалги йиллардa бўлганидек, парламентнинг қонунчилик борасидаги ишларига, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида таъминлаб боришга оид норматив ҳужжатларни тайёрлашга қаратилган. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари 2004 йилда ўтказадиган тадбирларни ҳам тасдиқлади. Бу масалага доир ҳужжатда турли долзарб мавзуларда семинарлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш назарда тутилган.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар ва тасдиқладилар.

Кенгаш ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**2004 йил — Меҳр ва мурувват йили**

Инсоннинг кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш, ҳид билиш аъзоларидан бири ишламаса, тиббиётда у соғлом деб ҳисобланмайди. Агар унда юқоридаги саналганлардан ташқари меҳр-мурувват туйғуси бўлмаса-чи? Ҳа, ундай одам ҳам номукаммал, нотугал ҳисобланади. Меҳри йўқ одам қанчалик бугунги кун илм-фанини миридан-сиригача эгаллаган бўлмасин, етук, баркамол инсон бўлолмайди. Энг аввало, инсон юрагида одамларга меҳр бўлмоғи лозим. Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърида бир ажойиб мисра бор: «Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда». Етим болакайга нондан ҳам азиз бўлган нарса нима? Бу — меҳр, шоир айтганидек, унинг бошини силаб айтилган «бир оғиз ширин сўз» эди.

Ўзбек халқининг бир ажойиб мақоли бор: «Тошдан қаттиқ, гулдан нозик». Бу мақолда инсон кўнглига жуда чиройли тасниф берилган. Ана шу кўнгилни гулдан ҳам нозик қилиб яшнатувчи, унга ҳаётни бағишловчи, бу — инсоний меҳр.

Болалар учун яратилган бир мультфильмда эндигина кўз очган жўжалар она товуқнинг бепарволиги, болаларига бемеҳрлигидан ёнларида яшовчи итнинг товоғидан овқатланишади, унинг бағридан ўзларига иссиқ макон топишади. Хуллас, жўжаларнинг барчаси товуқнинг эмас, уларга меҳр кўрсатган итнинг боласига айланишади. Ҳаётда ҳам ўз боласини кўчага ташлаб кетувчилар, кексайган ота-онасини қариялар уйига олиб бориб ташловчилар, бир-бири билан гаплашмайдиган ака-ука, опа-сингилларни учратиш мумкин. Яна бир тоифа ҳазрати инсонлар етим қолган ўнлаб болаларни ўз қучоғига олади, иссиқ гўшасидан жой бериб, оби-ёвғонини аямайди.

Одамлар азалдан меҳрни, эзгуликни соғиниб яшаганлар. Бироқ меҳр туйғуси кишиларда туғма бўлади. Бундай туғма меҳрибон кишилар ҳамиша, ҳар қандай замонда ҳам инсонларга яхшилик улашади, уларнинг юзидан меҳр нури порлаб туради. Ана шундай кишилардан меҳр кўрган, яхшилигидан баҳраманд бўлганлар кейинчалик ўзлари ҳам бошқаларга меҳр улашадилар, ҳаётнинг мазмуни, давомийлиги ҳам шунда, бу ҳаётнинг меҳр фалсафаси, инсонийлик фалсафаси.

Ҳаётда шундай касблар борки, бу касб эгаларининг одамларга бўлган меҳри барчанинг кўз олдида яққол намоён бўлади. Ана шундай касблардан бири ўқитувчи-мураббийлар бўлса, иккинчиси шифокорликдир. Бошқа касбларни ҳеч бир камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, ўқитувчи ва шифокор меҳри инсонлар тақдирида, улар ҳаётининг бошидаёқ ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади. Ахир, болаларни севмаган, уларга ўз меҳрини беролмайдиган киши кейинчалик эл ардоғидаги меҳрибон ўқитувчи бўлиши мумкинми? Ёки инсонларга меҳри йўқ киши инсонларнинг оғир кунига яраб, ҳақиқий шифокор бўлиши мумкинми? Албатта, ҳали фан-техника инсонлардаги меҳр кучини ўлчайдиган асбоб-ускуна яратгани йўқ, яратолмаса ҳам керак. Инсон юрагидаги кечинмаларни, ҳис-туйғуларни, меҳр-мурувватни қайси аппарат кўрсата оларди?

Инсондаги меҳр-мурувват туйғусини не-не даҳо шоирларимиз васф қилишмаган, бу туйғуни ўзларининг олий муддаолари деб билиб, сажда қилишмаган дейсиз. Аслини олганда инсонларга бўлган меҳр туйғуси шоир халқида ўқитувчи-устоз, шифокор, илм аҳлларииникидан асло кам эмас. Бунга биргина устоз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Замондош адибларимиз, шоиру бахшиларимиз, қалам аҳллари ҳам инсоний меҳрни баланд пардаларда куйлаганлар, ўзларининг ижодий меҳварига айлантирганлар.

чақалоққа хотинининг алла айтишини, фақат аллагина дунёга келган чақалоқни ўлимдан сақлашини айтади. Алла айтишнинг эса иложи йўқ — онаси қўйган шарт бузилади...

Ҳа, болаларда меҳр-шафқат уйғотишнинг, уни тарбиялашнинг дастлабки манбаи она қалбидан сизиб чиққан алла эканлиги ҳақида кўп гапирилган. Ҳиндларнинг машҳур эпоси «Маҳобҳорат»да она меҳри ҳақида шундай сўзлар битилган: «Она қалби шу қадар кенг бўлар эканки, унга бутун олам жо бўларкан. Унинг меҳридан қанча ичганинг билан доим дарёдек тошиб тураверар экан. Дунёда бундай «жавоб» ҳам фарз, ҳам қарз.

Шу ўринда замондош адибимиз Асқад Мухторнинг кичик бир шеърини эслаш ўринлидир. Шеърда ўйинқароқ қизалоқнинг қўғирчоқни севиши, уни эркалаши баён этилиб, охир-оқибат қизалоқ қўғирчоқни қалби йўқ, меҳри йўқ экан, дея ташлаб кетиши тасвирланган. Шу кичик бир шеърда кичик бир детал орқали ўз меҳрига жавобан меҳр кўрмаган қизалоқнинг драматик ҳолатини чизиб берган. Адабиётимизда меҳр-шафқат, меҳру мурувват, меҳру оқибат ҳақида гўзал асарлар яратилгани ҳам бежиз эмас.

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ

**Меҳр сувин тутди**
**меҳри дарёлар,**
**Бағрини кенг қилди**
**меҳри дунёлар.**
**Кимки элдан меҳрин**
**тутмади дариғ,**
**Эл аро аталди**
**меҳри кимёлар.**

Инсоний меҳр одам боласида мурғаклигидан она сути ва она алласи билан мустажоб бўлади. Она алласи, она меҳри ҳақида халқимиз орасида кўплаб ривоятлар мавжуд. Бир ривоятда бошқа элдан келган йигитни севиб қолган қиз қисмати баён қилинади. Қизининг бегона элга турмушга чиқиб кетишиганоилож рози бўлган она бир шарт қўяди. Шарт шулки, қизи агар фарзанд кўрса, унга она тилида ҳеч қачон алла айтмаслиги керак. Вақт ўтиб севишганлар фарзанд кўришади, лекин уларнинг фарзандлари бирин-кетин вафот этади. Шунда куёв ялиниб-ёлвориб онадай муҳтарам зот йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Одамлар у каби она меҳридан лаззат ололмагани учун ҳатто тангрининг ўзи ҳам армон қилса керак». Ҳаммага меҳрибон, раҳмдил Худонинг ўзи ҳам она меҳрини армон қилса керак, дейилганда уларнинг меҳри туфайли оналарга нақадар тенгсиз баҳо берилганини кўриш мумкин. Ёки «Жаннат оналар оёғи остидадир», деган ҳадисни эсланг. Алишер Навоийнинг оналар ҳақидаги ҳар бир сўзининг ўзи бир достонга арзигулик. Бундай эҳтиром фақат оналарнинг фарзанд дунёга келтиргани учунгина эмас, ана шу фарзандларига меҳр кўрсатиб, тарбиялагани учун ҳам билдирилгандир.

Оналарнинг ана шундай тенгсиз меҳнатига, меҳр-муҳаббатига вақти келиб фарзандлар томонидан жавоб ҳам бўлиши керак. Гарчи оналар буни талаб қилмасалар-да,

**Меҳрибон бўлингиз**
**Одам элига,**
**Худойим яратган**
**олам элига.**
**Умр ўткинчидир, деманг:**
**водариғ!**
**Мурувват қилингиз**
**алам элига.**

Умуман олганда, одамларга меҳри йўқ кишининг шоир, чин маънодаги ўқитувчи ё олим, шифокор ёки оддий деҳқон бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Киши меҳрсиз шайтонга айланади, фисқ-фасод кўнглини эгаллайди, ҳасад ўтида куяди. Инсоннинг шайтондан фарқи унинг меҳрли-мурувватли, иймонли ва оқибатли эканлигидадир.

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳар бир йилни чиройли бир ном билан аташ одат тусига кирди. Халқимизнинг асрий орзуси — Мустақиллик ҳам Алишер Навоий йили деб номланган 1991 йилда қўлга киритилган эди.





### АНГОР МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**Сурхондарё вилояти.** Ангор тумани марказида барпо этилган маиший хизмат касб-ҳунар коллежида 830 нафар йигит-қизлар маиший хизматга алоқадор 9 та касб бўйича таълим олмоқда.

✧✧✧

**Суратларда:** ўқитувчи Бахтиёр Чориев машғулот пайтида; коллежнинг асосий ўқув биноси.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

# ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарган мазкур йиғилишда якунланган йилдаги ишлар таҳлил этилди ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, умумий юрисдикция судлари томонидан ўтган йил мобайнида қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунларни қўллаш амалиётини шакллантиришда муайян ишлар амалга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда биринчи инстанцияда кўрилаётган ишларнинг сони тенг ярмига кўпайганига қарамай, уларни ҳал қилиш муддатлари ва сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бунда ишларни қайтадан кўришга юбормасдан уларнинг сифатли ва узил-кесил ҳал қилинишини таъминлаган апелляция инстанциясининг ўрни ва аҳамияти катта бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий низоларни ҳал этиш юзасидан судга мурожаат этиши кўпайгани аҳолининг судга бўлган ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш билан боғлиқ қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани, хусусан, ярашув институти жорий қилингани боис судларда ишлар миқдори бирмунча камайди.

Раёсат йиғилишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## СПОРТСЕВАР МАҲАЛЛА

Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласининг футбол жамоаси маҳаллалараро ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Жумладан, жамоа ўтган йили Бухорода ташкил этилган республика мусобақаларида учинчи ўринни қўлга киритиб, бронза медали билан тақдирланди. Команда мураббийси Бахтиёр Одилов, мана 17 йилдирки, маҳалла футбол жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Уни туман, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларга олиб чиқиб, спортнинг оммавийлигини таъминлашда бош-қош бўлаётир. Фақат бу эмас, у маҳалладаги ёшу қарини бирдек спортга жалб этаяпти. Бунинг алоҳида аҳамияти бор, албатта.

— Маҳалламизда спорт билан шуғулланиш учун ҳамма шароитлар етарли, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ғанижон Обидов. — Спортнинг бир неча тури бўйича ўтказилаётган мусобақалар умидли ёш спортчилар етишиб чиқишида муҳим роль ўйнаяпти.

**Ориф ЖУМАНОВ**

# «УЧТА СУДНИ «КЎРГАН» ДАЛОЛАТНОМА»

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 22 май сонида эълон қилинган журналист М.Қиёмовнинг «Учта судни «кўрган» далолатнома» номли мақоласида янгиободлик фермер Б.Турдиқуловнинг икки йилдан буён ҳужжат ололмай сарсон бўлганлиги ҳақида ёзилган эди.

Аниқланишича, Жиззах вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси Б.Турдиқуловнинг манфаатини кўзлаб, Янгиобод туман ҳокимлиги ва «Ховос» ширкатлари уюшмасининг 7-бўлими раиси М.Ҳасановга нисбатан 1.806.268 сўм бой берилган фойдани, 135400 сўм моддий ҳамда 200000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2002 йил 8 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2002 йил 26 апрелдаги ажрими билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилиниб, жавобгар М.Ҳасановдан етказилган маънавий зарарни қоплаш учун Б.Турдиқуловнинг фойдасига 50000 сўм ундирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Б.Турдиқуловнинг Олий судга йўллаган шикоятида «Орзу» фермер хўжалиги раҳбарининг 2001 йил учун экин экишига туман ҳокимлиги ва «Ховос» ширкатлар уюшмаси тўсқинлик қилганлиги оқибатида фойда ололмагани кўрсатилган бўлса-да бироқ, бу ҳолат судда бирор-бир далил билан тасдиқланмаган. Аксинча, иш материалларидан маълум бўлишича, Б.Турдиқулов 2001 йил 21 февралда фермер хўжалигига ажратиб берилган 30 гектар ер участкасини қабул қилиб олган. Далолатномага имзо чекиб, муҳр билан тасдиқланган.

Бундан ташқари «Орзу» фермер хўжалиги ижарага олган 30 гектар майдоннинг 19 гектарига экин экиб, 11 гектаридан пичанзор сифатида фойдаланган. 2001 йилда 2 тонна буғдой, 100 кг. масхар, 10 тонна пичан олганлик ҳолати СХ-29 ҳисоботи ва апелляция инстанцияси судида тушунтириш берган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланган.

Шулардан келиб чиқиб, суд Б.Турдиқуловнинг М.Ҳасановга нисбатан бой берилган фойдани ундириш ҳақидаги даъвосини асосли равишда рад қилган. Низо бўйича чиқарилган суд қарорлари юзасидан протест келтириш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли Турдиқуловнинг шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

**Олий суд матбуот хизмати**

Газетанинг 2003 йил 25 декабрь сонида мазкур сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада пахтачилик ва шоликорликдан олинадиган иқтисодий самара ҳақида танқидий-таҳлилий мушоҳада билдирилган эди. Муаллиф масалани Хоразм вилояти мисолида кўтарган бўлсада, муҳим соҳанинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнига алоҳида урғу берган.

Яқинда Хоразм вилоятидан таҳририятимизга жавоб мактуби келди. Унда шундай дейилади:

# «ПАХТАКОР ВА ШОЛИКОРНИНГ ДАРОМАДИ

## ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР...»

**«...Шуни алоҳида таъкидлаймизки, мазкур мақолада мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантиришнинг зарурати ва аҳамияти ўз вақтида ва ўринли кўтарилган. Пахтачилик бутун Ўзбекистонда бўлгани сингари Хоразм вилояти иқтисодиётида ҳам таянч ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун ҳам ушбу соҳани ривожлантириш вилоят ҳокимлиги, унинг тегишли бўлим ва бошқармалари, ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассисларининг диққат марказида турмоғи даркор, деган фикрдамиз.**

**Ана шуларни назарда тутиб, 2004 йилда пахтачиликни ривожлантиришнинг қатор чора-тадбирларини белгиладик.**

**2003 йил 31 декабрда вилоят ҳокимлигининг 210-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда 2004 йил учун пахта етиштирувчи ташкилотлар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги контракция шартномаларини тузиш, чигитни районлаштирилган ва истиқболли навларини жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш, чигитни янги технологиялар асосида, яъни плёнка остига экишни такомиллаштириш, селекция ишларига алоҳида эътибор қаратиш, фермер хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш, ерларни шудгорлаш, шўр ювиш ишларини сифатли ўтказиш, минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш борасида бир қатор қарорлар қабул қилинди.**

**Ушбу қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, чигит экиш учун олдиндан белгиланган далаларга шоли экинини жойлаштирмаслик тўғрисидаги банди асосли ва ўринли, ўз вақтида қабул қилинган хулоса дейиш мумкин.**

**Ҳақиқатан ҳам 2004 йилда белгиланган ҳажмлардаги пахта ҳосилини олиш, ҳар бир гектар ердан олинаётган ҳосил миқдорини ошириш мақсадида вилоятда катта ҳажмда ишлар олиб борилмоқда.**

**Жумладан, 80 минг гектардан ошиқроқ майдонда ерлар сифатли шудгорланди. 20 январь ҳолатига 60 минг гектардан кўпроқ ернинг шўри ювилди.**

**Қишлоқ хўжалиги машиналарини, айниқса, сеялкаларни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, талаб қилинадиган сеялкалар 100 фоиз таъмирдан чиқарилди ва давлат техника назорати инспекцияси мутахассислари томонидан қабул қилиб олинди.**

**Жорий йилда вилоятимиз хўжаликларида 30 минг гектар майдонга плёнка остига чигит экиш режалаштирилди ва ушбу майдонлар контурлар бўйича аниқланиб, ҳар бир фермер ва пудратчи билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди.**

**Жиззах пластмасса заводи билан шартнома тузиш ишлари ниҳоясига етказилди.**

**Бу йилги тадбирларда пахта навларини жойлаштириш алоҳида ўрин тутди. Жами чигит экиладиган майдоннинг 50 минг гектарига «Хоразм-127», 17 минг гектарига «С-6524», 24 минг гектарига «Оқдарё-6» нави, шунингдек, 4 минг гектарга яқин жойларга эса янги, истиқболли нав ҳисобланган «Меҳнат», «Хоразм-150», «Бухоро-8», «С-2609», «АН-513» навларини жойлаштириш мўлжалланган.**

**Кейинги йилларда, ғўза зараркунандаларига қарши курашишда биологик усулдан фойдаланиш яхши йўлга қўйилди. 2004 йилда ҳам мавжуд 109 та биолаборатория имкониятларини янада яхшилаш, кўсак қурти пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ўтган йилнинг ноябрь ойидан биомаҳсулот ишлаб чиқариш ишлари бошлаб юборилди. 14-15 январь кунлари республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, республика Башорат ва биоусул лабораторияси ҳамда республика «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси раҳбар ва мутахассислари иштирокида шунингдек, вилоятнинг тегишли ташкилотлари ҳамда биолаборатория раҳбарлари томонидан 2 кунлик ўқув-мунозаралари ташкил қилиниб, жойларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг билим тажрибалари яна бир бор назоратга олинди.**

**Вилоятда февраль ойида ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларини ўқитиш семинар-кенгаши ўтказилади.**

**Ўйлаймизки, жорий йилда Хоразм деҳқони, аниқроқ қилиб айтганда пахтакори республикада ўз ўрнини топади.**

**Хоразм вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи О.ОЛЛОБЕРГАНОВ».**

## ФАЛСАФАСИ

Сўнгра не-не буюк зотларимиз номи билан аталди, асосий шиори инсонпарварлик бўлган — Оила, Оналар, Қариялар, Обод маҳалла йиллари. 2004 йил эса Президентимиз томонидан — Меҳр ва мурувват йили деб аталди. Албатта, бу номланишларда ҳам олам-олам маъно бор, энг асосийси, халқимиз ҳаётининг янада фаровон, нурафшон қилишдир. Президентимиз 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили, деб номланишининг боисини шундай оқилона таърифлаган эди: Меҳр ва мурувват деган ибора замирида биз жамиятимизда аҳиллик, меҳр-оқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит ва имкониятларни яратиб бериш, маҳаллаларимизнинг бу масаладаги ролини янада кучайтириш вазифасини тушунамиз».

Меҳрибон кишилар, яхшилик йўлида умрини ўтказган одамларнинг чеҳраси очиқ, юзидан нур ёғилиб туради. «Бир оғиз ширин сўз» билан дил уйини равшан қилишади, кўнгилда меҳр бўлмаса, одамлар бир-бирига интилмайди, дилларни дилларга боғлаб турган нарса меҳр риштасидир. Мурувват эса меҳрдан туғилади, у меҳрнинг фарзанди. Мурувват — дил безаги, мурувватли кишилар сахийлик уйида истиқомат қилишади, эзгулик уруғини доналаб дилларга сочишади. Меҳр билан қаҳр, меҳр билан заҳр бир-бирига зиддир, меҳрли киши кўнглида қаҳр бўлмайди, заҳр умрини калта қилмайди. Қаҳрли одамлар дилини меҳр тарк этади. Улар кўролмаслик, ҳасад балосига гирифтор бўлишади. Ўзгалар камолини кўролмайди.

Меҳрга нисбатан меҳр кўрсатиш инсоннинг зийнатидир, бундай қилишга ҳар бир виждонли одам бурчлидир, халқимиз бекорга айтмаса керакки, «қарс икки қўлдан чиқади» деб. Гоҳида айрим ёшларимиз катталарга нисбатан меҳр-оқибатсиз бўлиб кетмоқда, деган гаплар қулоққа чалинади. Орамизда гар шундай ёшлар бор экан, демак, уларга вақтида катталар томонидан ҳам тўғри тарбия берилмаган, меҳр кўрсатилмаган, деб айтиш мумкин. Қуш уясида кўрганини қилади, деган халқ мақоли бор. Аввало фарзандлар ўз ота-онасидан, яқин қариндошларидан меҳр кўрса, бошқаларга ҳам бошқача кўз билан қарайди, халқимиз бекорга «онасини кўриб, қизини ол», демайди-да.

Одамларнинг ижтимоий муҳофазаси мустақил республикамизнинг, ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат марказида бўлиб келди, у тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бирига айланган. Бу борадаги давлат сиёсати чуқур илдиз отган: оналарга ҳомиладорлик таътили, нафақа, иш жойларида енгилликлар берилади, болага нафақа тайинланади. Кўп болали оилалар алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Мамлакатимизда бундан ташқари қанчалаб меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар ва қариялар уйлари, махсус интернат-мактаблар, оромгоҳлар ишлаб турибди, уларнинг ҳаммаси давлат таъминотида. Оналар ва болалар саломатлиги йўлида кенг қамровли дастурлар ишлаб чиқарилган ва улар муваффақият билан ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Келажакни ўйлаб таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар яқин келажакда ўз самарасини бериб, юртимиз келажаги буюклигини таъминлайди. Албатта, бундай давлат ғамхўрлигига ўз навбатида жавоб ҳам қайтарилиши табиий бир ҳол.

Тақдир тақозоси билан қамалган, йўлдан адашганларга мустақиллик йилларида мурувват кўрсатилиб, амнистия берилиб озодликка чиқарилмоқда. Диний эътиқодимизнинг асосий негизини ташкил этувчи Қуръони Карим ва Ҳадисларда инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, яхшилик қилиш, меҳру оқибатли бўлиш ҳақида кўп бора айтилган. Яхшилик, моддий ёрдам кўрсатиш олдин ота-онадан, қариндош-уруғдан бошланиб, кейин бошқаларга кўрсатилиши айтилган. «Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингиздан эса хафа бўлсангиз, демак сиз ҳақиқий мўмин (иймонли)дирсиз», дейилади Ҳадиси шарифда. Дейдиларки, савобнинг жойи жаннат, гуноҳники дўзахдир. Умрини савобга бағишлаган кишилар меҳр ва мурувват соҳибларидир. Икки дунёда ҳам улар жаннатда ҳаёт кечирадилар, яхши сўз билан, хайрли иш билан ўзидан одамларни миннатдор қиладилар. Бировга қаттиқ гапириш, кўнглини синдириш ҳам гуноҳдир. Худбинлик йўлига қадам қўйган кишилар дилида меҳр шамлари сўнади. Улар ўзидан бошқани кўролмайди, ўз нафини, ўз манфаатини кўзлайди, ўзгани ёмонлаб кун кўради, фитна-фужур билан шуғулланади. Гуноҳи кабир қилганини билмай худкомлик билан умрини ўтказади. Бундай кишилар ҳаёти, аслини олганда дўзахда ўтади, меҳрдан бебаҳра яшайди.

Меҳр-мурувват ҳақида не-не буюк донишмандларимиз бош қотирмаган, подшоҳларни яхшилик сари етакламаган дейсиз. Биз шоҳ ва шоир, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур тимсолида бунинг ёрқин намунасини кўрамиз, унинг оддий бир инсон сифатида онасига, опасига, фарзандларига, фуқароларига кўрсатган меҳрибончилигининг чеку чегараси йўқ.

Буюк одамларда меҳр-мурувват туйғусининг ҳам буюк бўлиши табиийдир. Ҳазрат Алишер Навоий бутун ҳаётини инсонларга яхшилик қилишга бағишлаган эди. Бир сафар у вазирлик лавозимидан кетаман, истеъфо бериб, мутлақ ижод билан шуғулланаман деганида Самарқанддан туриб пири муршиди Хожа Аҳрор Валий унга алоҳида хат йўллаб, (бундай хатлар сони 127 та) вазирлик лавозимидан кетмаслигини уқтиради. Сиз бу лавозимдан кетсангиз «мазлумлар ярасига ким малҳам қўяди», дейди. Пирнинг гапидан сўнг Навоий яна саройда ўз лавозимида қолади. Ҳирот аҳли, фуқаролари подшоҳдан, унинг саройидан ҳам кўра ҳазрат Навоийга ўз ташвишлари билан кўпроқ мурожаат қилишган бўлса, ажаб эмас. Навоий ҳам ўз пири Хожа Аҳрор изидан бориб, (Хожа Аҳрор Тошкент аҳлининг бир йиллик солиғини ўз ҳисобидан ортиғи билан тўлаб юборган эди) Ҳирот аҳли солиғини ўз ҳисобидан кўтаради. Бу мисоллар бугунги бойларимизга, бадавлат фермер ва тадбиркорларимизга ҳам тегишли.

Биз янги жамият қурмоқдамиз. Бу жамият пойдевори — меҳр ва мурувватдан, инсоф ва диёнатдан, виждон ва иймондан, сабр ва бардошдан, қаноат ва оқибатдан, озодлик ва ободликдан, иқтисод ва сиёсатдан, маънавият ва маърифатдан. Маънавий пок ва маърифий саводхон кишилар жамият биносининг наққош ва меъморларидир. Одамлар бир-бирига меҳрибон жамиятда адолат тантана қилади. Манманда меҳр бўлмайди, камтарда эса қаҳр.

Манманлик — завол, камтарлик — камол. Ҳар бир инсон бир-бирига меҳрибон бўлсин, раҳбарлар ҳам, фуқаролар ҳам. Меҳру мурувват дарахтининг меваси — яхшиликдир. Ҳазрати Навоий айтганидек, меҳрнинг ифодаси Сўздадир ёхуд кўздадир. Яхши сўз билан илон инидан чиқади, дейдилар.

**Ҳар кимки чучук сўз элга**
**изҳор айлар,**
**Ҳар нечаки, ағёрдурур**
**ёр айлар.**
**Сўз қатиғи эл кўнглига**
**озор айлар,**
**Юмшоғи кўнгилларни**
**гирифтор айлар.**

Хулоса қилиб айтганда, халқига яхшилик қилган, меҳр-мурувват кўрсатганлар икки дунёда ҳам асло кам бўлмайдилар. Уларнинг номи инсонлар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллайди ва ўз навбатида бундай кишиларни ҳам бошқаларга меҳр-мурувват кўрсатишга ундайди.

**Меҳр ва мурувват —**
**инсон зийнати,**
**Оламни безаган инсон**
**тийнати.**
**Кошки, қуёш каби нурли,**
**пок бўлса,**
**Инсон сувратию инсон**
**сийрати.**

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## XORIJDA

### ИМЗОЛАР ТОПШИРИЛДИ

Россия президентлиги учун бўладиган сайловда Владимир Путин номзодини қўллаб-қувватлаб йиғилган 7 миллиондан ортиқ имзонинг 2,5 миллиони сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Марказий сайлов комиссиясига топширилди.

Қонунга кўра, номзодни расмий рўйхатдан ўтказиш учун 2 миллиондан кам бўлмаган ва 2,5 миллиондан ортиб кетмаган ҳолда имзо йиғилиши лозим.

Белгиланган тартибга кўра, имзоларнинг барчаси номзоднинг ишончли вакили гувоҳлигида текширувдан ўтказилади. Бунинг учун 10 кун муҳлат белгиланган.

Владимир Путиндан ташқари президентликка ўз номзодини илгари сураётган Федерация Кенгаши спикери Сергей Миронов, СПС ҳамраиси Ирина Ҳакамада, «Родина» блоки етакчиларидан бири Сергей Глазьев, Россия Федерацияси хавфсизлик кенгашининг собиқ раҳбари Иван Рыбкин, шунингдек, тадбиркорлар Владимир Брынцалов ва Анзори Аксентьевлар ҳам 2 миллиондан ортиқ имзо йиғиб, МСКга топширишлари лозим, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

### БЕРЕЗОВСКИЙНИНГ ЯНГИ ИСМИ-ШАРИФИ

Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги россиялик бизнесчи Борис Березовский номига янги исм-шариф (Платон Еленин) бўйича ҳужжатлар берилганлигини расмий тасдиқлади, дея хабарлайди Associated Press агентлиги.

Ички ишлар вазири Дэвид Бланкеттнинг айтишича, Буюк Британияда қочоқ мақомини олган ва шу йўл билан Россия томонидан қўзғатилган жиноий жавобгарликдан қутулиб қолган Березовский бу исмни бир вақтлар унинг таржимаи ҳоли бўйича суратга олинган «Олигарх» фильмидаги бош қаҳрамондан «ўзлаштирган». Хотинининг исмини эса ўзига фамилия қилиб олган.

### САММИТДА ЭПИДЕМИЯ МАСАЛАСИ КЎРИЛАДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида хабар қилганимиздек Жануби-шарқий Осиёнинг 6 та давлатида тарқалган «парранда гриппи» янада катта ҳудудларни эгаллаб бормоқдаки, бу эса ўша давлатларнинг ҳамкорликда кураш олиб боришини тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам 28 январда Таиландда мазкур масала бўйича халқаро саммит ўтказилади. Унда мазкур касаллик тарқалган 6 та давлат — Вьетнам, Камбоджа, Тайбэй, Жанубий Корея, Япония ва Таиланд мутахассислари иштирок этади. Бу ҳақда Таиланднинг ТНИ миллий ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Мамлакат бош вазири Таксин Чинаватнинг таъкидлашича, саммит қатнашчилари ҳудудда кенг тарқалиб, ҳатто кишилар соғлиғига хавф солаётган эпидемияга биргаликда қарши курашиш, унинг самарали йўлларини топиш, вакцина ишлаб чиқаришни тезлаштириш масалаларини муҳокама этадилар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) мутахассислари Сяньган ва Япония лабораторияларида мазкур касаллик қўзғатувчиларини ажратиб олишган. Энди улар яна 4 ҳафтадан сўнг ушбу касалликка қарши вакцина яратишнинг уддасидан чиқишни



мўлжалламоқдалар. Бироқ, ҳаёт тажрибаларидан шу нарса маълумки, вакцина яратишга камида 6 ой вақт сарфланади.

Кўпгина мутахассислар бу эпидемия янада кенг миқёсга тарқалиб кетишидан ва кишилар ҳаётига хавф солиш даражаси янада ортишидан чўчимоқдалар. Негаки, тарихдан маълумки, «Испанка» дея номланган худди шунга ўхшаш эпидемия 1918-1919 йилларда 40-50 миллион кишининг умрига зомин бўлган эди.

ЖССТ маълумотларига кўра, «парранда гриппи» вируси ҳарорати 22 даража бўлган сувда 4 кунгача, ноль даражада эса бир ойгача яшай олади. Музлатилган материалда вирус узоқ муддат тирик сақланиб туради.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, эпидемия тарқалган 6 та давлатдан парранда гўшти импорт қилишни кўпгина мамлакатлар вақтинча тўхтатиб қўйди. Жумладан, шанба куни Сингапур, Малайзия, Тайбэй, Россия, шунингдек, Европа Иттифоқи ҳам импортни вақтинча тақиқлашга қарор қилди.

Таиланд қироллигининг ўзи ҳам дунё давлатларига парранда гўшти экспорт қилишни бутунлай тўхтатди.

У парранда гўшти экспорти бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради. Ўтган йили хорижга ярим миллион тонна маҳсулот экспорт қилиб, 1,2 миллиард доллар даромад олган.

### СУИҚАСД ДЕТАЛЛАРИНИ ОШКОР ЭТГАНИ УЧУН

Исроилнинг ҳарбий цензура масалалари бўйича қўмитаси ва Журналистлар ассоциацияси мамлакатда чоп этиладиган иккита йирик нашр — «Маарив» ва «Едиот Ахронот» газеталарини 1992 йилда Саддам Ҳусайнга суиқасд уюштириш бўйича ишлаб чиқилган режа деталларини ошкор этгани учун жаримага тортди.

«Маарив» таҳририятига «ҳарбий цензура қўмитаси кўрсатмаларини қўпол равишда бузгани учун» 20 минг шекел (4500 доллар атрофида) жарима белгиланди. Шунингдек, MIGnews хабар беришича, ижтимоий жамғармаларга 40 минг шекел бадал тўлаши шарт. «Едиот Ахронот» газетаси эса маҳфий манбаларни иккинчи бўлиб босгани учун унга сал енгилроқ чора кўрилди. Яъни, улар ҳам бирор-бир жамоатчилик ижтимоий жамғармасига ўзлари билган ҳолда бадал тўлашлари шарт қилиб белгиланди.

«Маарив» газетаси бош муҳаррири Амнон Данкер бу қарордан норозилигини билдирди. Унинг айтишича, ҳарбий цензура ҳануз 15 йиллар аввалги меъёрлар билан яшамоқда.

Жанжалга сабаб бўлган мақола ўтган йил декабрда чоп этилган. Мақолада ЦАХАЛнинг кўнгиллилардан иборат махсус гуруҳни оғир касал бўлиб ётган Ҳусайннинг қайнотаси дафн маросимига жўнатиш (ҳақиқатан ҳам ҳеч қанча вақт ўтмай вафот этган) ва шу баҳонада Саддам Ҳусайнни йўқ қилиш режаси баён этилган. Ўшанда нишонга автоматик тўғриланувчи «Обелиск» ракетаси махсус гуруҳ томонидан Ҳусайнга йўналтирилиши лозим эди. Аммо...

Операция икки сабабга кўра тўхтатилган: биринчидан, махсус гуруҳ машғулоти пайтида беш нафар ҳарбий (Саддам Ҳусайн соқчиси ролини бажарган) ҳалок бўлган. Сабаб: машғулот пайтида адашиб ўқув ракетаси ўрнига жанговар ракета йўналтирилган. Иккинчидан, мазкур операцияга қарши Ироқ биологик қуролни қўллаб юбориши мумкин эди.

**Internet хабарлари асосида Абдунаим БОЗОРОВ тайёрлади**

## БОЛАЛАРГА — КИТОБ ВА ЎЙИНЧОҚЛАР

Қарши шаҳридаги «Иқтисод» жамоа корхонаси иккиламчи маҳсулот — турли чиқинди қоғоз маҳсулотлари жамғариб, қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналарга топшираётир.

— Йилига 500 тоннагача хомашё жамғариб, олган фойдамиз ҳисобидан шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига дарслик ва бадиий китоблар ҳамда ўйинчоқлар олиб бермоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Қаршибой Қурбонов.

**Шавкат МУСАЕВ**

## ОРОЛ БАЛИҚЧИЛАРИНИНГ ОВИ АВЖИДА

Орол жануби — Мўйноқ ҳавзаларига бурноғи йилнинг май ойида сув кела бошлади. Сув билан майда чабақча балиқчалар ҳам оқиб келди. Бир-бир ярим йиллик парваришдан сўнг «Қозақдарёбалиқ», «Амударё» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари балиқчиларига яна юмуш бошланди. Улар биргина ўтган йили 134-185 центнердан балиқ овлашди. «Тентекарна», «Нурли жўл», «Таллиўзак» масъулияти чекланган жамиятлари жамоаларининг ҳар бирида бу рақам 44-50 центнерга етди. Туман бўйича 421 центнерни ташкил этди.

Балиқлар кўпроқ Мўйноқ, «Сарибас» қўлтиқларидан, шунингдек, 30-70 километр олисликда жойлашган дарё-кўллар тизимидаги «Жилтирбас», «Дўмалак», «Марталкўл» каби кўллардан овланмоқда.

Туманда ҳозирги қиш кунларида ҳам балиқ ови авжида. Балиқчилар ўртасида «Амударё» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан Бақибек Жақибеков, Қувондиқ Исмоилов, «Нурли жўл» жамоасидан Оменгелди Оралбоев сингари ўз ишининг усталари пешқадам.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



*Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.*

Республика акциядорлик тижорати «Ғаллабанк»нинг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт, унинг фаолиятида муҳим босқич бўлди. Даставвал, жамоа мижозлари ишончини оқлаш ва кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатишни талаб даражасига кўтаришга катта аҳамият қаратди. Иккинчидан эса, замонавий иш тартибини ташкил этиш, кредит ва депозит сиёсатини юритишни янада мустаҳкамлаш, банкка қўшимча маблағларни жалб қилиш бизнес соҳаси ривожига ҳам улуш қўшиш мазкур банк истиқболини белгилади.

«Ғаллабанк»нинг бугунги кунда 32 та филиали, 36 та минибанки, 76 та жамғарма ва 41 та валюта айирбошлаш шахобчаси фаолият юритмоқда.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА)**

**Суратда:** республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»и фаолиятидан лавҳа.

**Жиноятга жазо муқаррар**

# НОХОЛИС НИЯТ

## ЁХУД КЎРСАТКИЧЛАРНИ ЯХШИЛАШ БАҲОНАСИДА БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ ЯРИМ МИЛЛИАРД СЎМНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШГАНИ ҲАҚИДА

Маҳмуд Нормизаев енгил автомобилни банк орқали кредитга олиш имкони борлигини эшитиб хурсанд бўлди. Ахир, маълум фоиз пулни топширади-да, машиналик бўлади. Кейин аста-секин қолган қисмини узаверади. Бундай қулайлик қайда бор?

У фуқароларга шундай қулай имконият яратган мутасаддиларга ичидан тасанно айтганича «Халқ банки»нинг Учкўприк тумани бўлимига йўл олди. Бу ерда уни хушмуомалали, чаққон банк ходимлари кутиб олиб, дарҳол тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришди. Бир зумда 3 миллион 559 минг 400 сўм нақд пулни санаб, омонатга топширди. М.Нормизаевнинг қувончини кўрмайсизми — у машинали бўлади. Ўзи топширган нақд пулларнинг ҳужжатлари ўша куниёқ қалбакилаштирилгани, бу пуллар банк ғазнасига эмас, балки сохта ҳужжатлар орқали «Халқ банки»нинг Учкўприк туман бўлими бошқарувчиси Улуғбек Каримовнинг ҳамёнига келиб тушганини қаердан билсин?!

Во ажабо, дея ҳайратга тушади ҳар қандай одам. Ахир банк — омонатхона бўлса, одамлар пешона тери эвазига йиллаб йиққан жамғармасини ишониб шу даргоҳ ғазнасига топширса-ю, айни шу ерда омонатга хиёнат рўй берса? Нақадар ғайритабиий, инсоф-иймон тушунчаларига зид ҳол бу! Афсуски, «Халқ банки»нинг Учкўприк туман бўлимида шундай хиёнат рўй берган биринчи ва ягона ҳол эмас эди.

Қисқаси, бўлимга Улуғбек Каримов бошқарувчи бўлиб келгач, бу ерда турли қинғирликлар, шахсий манфаатни кўзлаб ўзганинг мулки ва маблағига кўз олайтиришлар бошланди. Фуқароларнинг омонатга қўйган маблағларини уларнинг рухсатисиз сохта ҳужжатлар расмийлаштириб ўзлаштириш, хусусий фирмалар раҳбарлари ишончига кириб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда турли фирибгарликлар уюштириш дейсизми, қисқаси, унинг «фаолият»и даврида ҳаммасидан топилади.

Иброҳим Болтабоевнинг АК-5 автокредит омонат ҳисоб рақамига топширган 3 миллион сўм пули ҳам ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан ўзлаштириб юборилди. Дониёр Ҳайдаров 2002 йил 31 декабрь куни шу банкнинг «талаб қилингунга қадар» омонатига 9 миллион 620000 сўм нақд пул топширган эди. 2003 йилнинг 1 январь куни эса Д.Ҳайдаровнинг имзолари қалбакилаштирилди. Унга «омонат дафтарчасини йўқотганлиги хусусидаги аризасига кўра», деган баҳона билан янги омонат дафтарча очилди ва шу дафтарча орқали 9620000 сўм чиқим қилиниб, бошқа мақсадларга ишлатиб юборилди. Банкирларнинг «юраги ботирлиги», мавжуд қонун-қоидаларни заррача писанд қилмаслигини қаранг!

Нафси ҳакалак отган банк бошқарувчиси атрофига бош ҳисобчи А.Собиров, кредит бўлими бошлиғи М.Бекназаров ва бошқаларни тўплаб, ўзаро тил бириктирган ҳолда бошқа ноқонуний ва «ҳамён қаппайтирар» ишларга қўл урди. Фуқароларга «Комфорт» истеъмол кредити берилишида ҳам турли найранглар қилинган экан. Масалан, фуқаро З.Ботиров 3 йил муддатга йиллик 32 фоизга 1 миллион сўм кредит беришни сўраб мурожаат қилган эди. У.Каримов ва унинг ҳамтовоқлари З.Ботировга кредит бериш ҳақидаги кредит комиссияси қарорига комиссия раиси қўл қўймаган бўлса-да, мижоз билан банк ўртасида тузилган шартномага банк бошқарувчиси имзо чекмаган бўлса-да, ушбу кредитни «Ҳожибек» хусусий фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборишди. Азаматлар шу билангина кифояланишмаган. Ш.Мамадалиевга ажратилган 1 миллион сўм, Р.Ҳалиловга ажратилган 1 миллион 300 минг сўм, Ш.Аҳмедовга ажратилган 1 миллион 300 минг сўм кредит маблағларини ҳам банк бошқарувчисига яқин фирмаларга ўтказиб, 4 миллион 600 минг сўм пулни нақдга айлантирганлар ва шахсий манфаат йўлида ишлатиб юборганлар.

«Маҳфуз» хусусий фирмасининг «Халқ банки» Учкўприк бўлимида ҳисоб рақами бор эди. Хусусий фирма раҳбари А.Қўшоқов бошқа ишга ўтиб кетди. У.Каримов банк ходими З.Ботиров билан биргаликда вазиятдан фойдаланиб, «Маҳфуз» фирмасининг муҳр ва штампини бўш тўлов топшириқномаларига қўйиб олишади. Шу сохта топшириқномалар орқали турли хусусий фирма ва тадбиркорлар билан... 477 миллион 345 минг 300 сўмлик молиявий алоқалар қилишади! Ана холос! Бу шахслар фирибгарми ё банкирми, дея ўйлаб қоласан киши. Хусусий тадбиркор «Абдуллаев Алимардон» ва хусусий тадбиркор «Холдаров Алижон»ларнинг ҳам ишончига кириб, уларнинг муҳр ва штампларидан фойдаланиб қилган фирибгарликлардан сўнг уларни нима деб аташни ҳам билмай қоласан, киши.

«Элбек» хусусий фирмасининг раҳбари И.Имомовнинг падари бузруквори вафот этиб қолади. Ўғил учун бу оғир мусибат. Шундай мотам кунлари И.Имомовнинг аҳволидан фойдаланиб У.Каримов З.Ботиров билан биргаликда «Элбек» хусусий фирмаси муҳр ва штампларини бўш тўлов топшириқномаларига қўйиб олишади. Шу топшириқномалардан фойдаланиб, турли хусусий тадбиркор ва фирмалар билан молиявий олди-сотди алоқаларини амалга оширишади. Натижада 232 миллион 258 минг сўмлик ноқонуний товар операциялари ўтказилган. Бундан эса бюджет, пенсия жамғармалари катта зарар кўрган.

Қонунбузарлик шу даражага етиб борганки, банк раҳбарияти ҳатто Бағдод пахта тозалаш заводи ишчиларига бериладиган маошнинг ҳам 2 миллион 568 минг 506 сўмини ўзлаштириб юборган! Шу биргина ноқонуний, жиноий иш туфайли оиласи, бола-чақасига маош олиб боролмаган ишчининг аҳволини тасаввур қилинг... Судда У.Каримов бу пуллар Д.Назировнинг кредит маблағини беркитиш учун ишлатилганлигани, лекин Д.Назиров турли važ-корсонлар билан ушбу маблағни ўз жойига қўймай келаётганлигини айтди. Лекин, қарзини тўлолмаётган бир фуқаронинг илтимоси ҳисобга олиниб, эвазига юзлаб ишчиларнинг қақшатилишини қандай тушуниш керак? Умуман, бир фуқаронинг тўлолмаётган кредитини беркитиш учун иккинчи фуқаронинг омонат маблағини қарздор ҳисобига ўтказиш амалиётини нима деса бўлади? Ҳолбуки, У.Каримов судда деярли барча жиноий ҳолатларда айнан шундай қилинганлиги, йил охирида банкка фуқароларнинг маблағ топширишлари асосан пулкасса режасини бажариш учунгина амалга оширилганлиги, бу хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси банк кўрсаткичларини яхшилаш учун қилинган ҳаракат деб баҳолашга уринди...

Яқинда жиноят ишлари бўйича Учкўприк туман суди республика «Халқ банки»нинг Учкўприк туман бўлими бошлиғи У.Каримов ва унинг шериклари жиноят ишини кўриб чиқди. Айбдорлар ўзларига муносиб жазоларини олдилар. Аммо, одамлар ишонадиган муқаддас даргоҳ — банкда шундай жиноят содир этилиши ҳақли равишда ташвиш туғдиради. Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар республика «Халқ банки» раҳбарияти томонидан чуқур ўрганилади ҳамда уларнинг бартараф этилиши учун барча чора-тадбирлар кўрилади, деб умид қиламиз. Зеро, банк учун одамлар орасида унга ишончнинг йўқотилишидан ҳам оғирроқ зарба йўқ!

**Миродил ФОЗИЛОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

